

Кино санъати бадииятида театр актёрининг маҳорати

Олтиной Қосимовна Тожибоева
ЎЗДСМИ

Аннотация: Мақолада театр актёрининг ижодий маҳорати ва тажрибасини кино бадииятини таъминлашдаги ўрни борасида фикр юритилади. Ўзбек театрининг ижодий тажрибаси, миллий актёрлар маҳорати кино санъати бадиияти ҳамда эстетикасини бойитишга хизмат қилгани таниқли кино ва театр арбоблари ижоди мисолида мушоҳада этилади.

Калит сўзлар: театр, театр актёри, сахнавий образ, киноактёр, бадиий яхлитлик

The skill of a theater actor in the art of cinematography

Oltinoy Kasimovna Tozhiboeva
UzSIAC

Abstract: The article examines the importance of the skills and experience of a theatre actor in the artistic integrity of cinematography. The creative experience of the Uzbek theater and the skill of national actors served to ensure the artistry and enhance the aesthetics of cinema, which can be seen in the works of famous figures of cinema and theater.

Keywords: theater, theater actor, stage image, film actor, artistic integrity

Актёр - режиссёрнинг топилмасидир. Кинода ҳам, театрда ҳам режиссёрнинг айтар сўзи, ғояси, мақсади, ижодкорлик дарди актёр орқали юзага чиқади. Шу боисдан ҳам актёрни кино ёки театрда муҳим восита, омил деб эмас, балки айнан топилма деб қараш тўғри бўлади. Қуйида ана шу топилманинг ҳар икки санъатдаги улкан роли борасида айрим мушоҳадаларимизни билдирмоқчимиз.

“Голливуднинг “олтин даври” деб аталган 1930-йиллардан сценарийни танлаб олиш, актёрларни кастингдан ўтказиш, костюм ва декорацияларга буюртма бериш каби вазифалар продюсерлар зиммасида бўлган, режиссёр эса суратга олиш майдончасига таклиф қилинган”[2.9.]. Бундан кўринадики, фильмда режиссёр бошқа ҳеч ким қила олмайдиган муҳим вазифани бажаради яъни актёр билан ишлайди. Зеро, актёрни йўналтириш, унга аниқ вазифа бериш, актёрлар ансамблини ярата олиш фильм бадиий яхлитлиги ва композицион

тугаллиги асосидир. Ҳар қандай фильм муваффақияти негизида актёрни тўғри танланиши, ундан фойдалана олиш маҳорати туради. Шу боис Голливуднинг шуқуҳли тарихини Чарли Чаплин, Вивьен Ли, Одри Хепберн, Мэрилин Манро, Марлен Дитрих каби юлдузлар номидан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Бернард Шоу Чарли Чаплинни “Киносаноатидан чиққан ягона даҳо” дея таърифлагани ҳам бежиз эмас. Бу актёр маҳоратига берилган баҳодир.

Актёр маҳорати ўзбек миллий кино санъати тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутганлигини киношунослар эътироф этадилар. Профессор Ж.Тешабоев ёзганидек, “Ўзбек киноси ижрочилик маҳоратининг шаклланиши ва такомиллашувида миллий театр санъати намояндалари катта ўрин тутди. Кинематография санъатининг бош омили актёрлик санъати ҳисобланади. Миллий театр намояндалари Е.Бобожонов, Ш.Бурҳонов, О.Жалилов, А.Ҳидоятловлар 30-40 йилларда суратга олинган турли фильмларда роль ижро этиб, театр актёри билан кино актёри ўртасида ҳеч қандай ўтиб бўлмас тўсиқ йўқлигини исботлаб беришди”[4.18]. Театр актёрларининг образ яратиш ва роль устида ишлашдаги билим ва маҳорати, тажрибаси ва омилкорлиги бадий кино равнақига катта хизмат қилди. Дастлабки йилларда асосан ташқаридан келган актёрлар суратга тушган бўлсалар, кинога миллий театр санъати актёрларининг жалб этилиши жараёни буткул ўзгартириб юборди.

1937 йилда суратга олинган “Қасам” (реж.А.Усольцев-Гарф) деб номланган биринчи ўзбек овозли фильмида Лутфихоним Саримсоқова, Шаҳодат Раҳимова, Асад Исматов каби театр актёрлари илк бора бош қаҳрамонларни ўйнашга таклиф этилдилар. Ўзбек театр актёрлиги мактабининг улкан имкониятлари ушбу фильмдаёқ намоён бўлди.

“Қасам” (иккинчи номи “Мен - сотқин эмасман”) фильми тарғибот характерида бўлиб, Азим исмли деҳқон йигитнинг кечмишларидан ҳикоя қилади. Батрак Азим умр бўйи бойнинг қўлида хизмат қилади, қишлоққа рус комиссари бошчилигида кириб келаётган ўзгаришлар унинг хонадонини ҳам четлаб ўтмайди. Азимнинг хотини Саодат паранжисини ташлайди. Азим севимли ёрини бу йўлдан қайтаришга уринади, қишлоқда бўлаётган ўзгаришларни қабул қила олмай икки ўт ўртасида азобланади. Айниқса гўзал Саодатни юзини очиб кўчага чиқиши унга тинчлик бермайди, бир томондан элнинг маломатидан қийналса, иккинчи томондан онаси билан севимли хотинига ўзини тушунтира олмай ўртанади. Азимнинг бунингдек мураккаб психологик ҳолатлари ҳаётининг лавҳаларда талқин этилган.

Таъкидлаш жоизки, гарчи фильм сиёсий-ғоявий, тарғибот-ташвиқот руҳида яратилгани боис мавзу жиҳатдан эскирган бўлса-да, ундаги актёрлик ишлари образ яратишнинг ёрқин намунаси сифатида диққатга молик. Фильмда “миллий актёрлик маданияти, ўзбек ҳаёти ва психологияси муфассал акс этади, ижтимоий

қарама-қаршиликлар асосига қурилган драматургия намоён бўлди, чунки барча ролларни ўзбек актёрлари ўйнайдилар” [4.18]. Асад Исматовнинг Азим, Шаҳодат Раҳимованинг Саодат, Лутфихоним Саримсоқованинг Она образлари ўзининг табиийлиги ва таъсирчан руҳияти билан фильм мавзуси, унда кўтарилган ижтимоий-сиёсий ғояни очишда етакчи аҳамият касб этган. Ўша даврда Андижон мусиқали театрининг солистлари бўлган бу актёрлар ўзларининг юксак драматик иқтидорини кўрсатиб, тўлақонли характерга эга бўлган ёрқин образларни талқин қилдилар.

Асад Исматов қаҳрамони Азимнинг ўз оиласи шаънини ҳимоя қилишдаги қаҳр-ғазаби, теварак-атрофдаги воқеаларга нафрат ва айни дамда кўрқув билан қараши, руҳиятидаги ўзгаришлар ҳаётий кечиши кинообразга тўлақонлилик бағишлаган. Маҳоратли театр актери, характерли роллар устаси Асад Исматов образга психологик ижро услубида ёндошиб, Азимнинг меҳри ва қаҳрини, қолоқликдан фаоллик томонга улғайиб, сиёсий онги ошиб боришини кўзлари, нигоҳлари орқали ҳам чуқур ифодалаган.

Театр саҳнасида лирик, драматик характердаги бош қаҳрамонларни талқин қилган Ш.Раҳимовага Саодат сиймосини яратишда саҳнада орттирган ижодий тажрибаси ҳамда кенг ижодкорлиги кўмак берган. Саодатнинг муҳаббат ва изтироб, ҳурлик ва тутқинлик ўртасидаги ички зиддиятлари йирик планда акс этиб, воқеалар моҳиятини теран талқин этади.

Унинг фильмдаги бош қаҳрамони ижтимоий фаол, мағрур, курашчан аёл бўлиши билан биргаликда қалби муҳаббатга тўлиқ севимли ёрдир. Саодат ва Азим ижтимоий тузум, сиёсий фаоллик, янги ва эски турмуш зиддиятларига муносабати билан бир-биридан фарқ қилса-да, уларни боғлаб турадиган кўнгил ришталари, илиқ туйғулари бор. Ҳар икки актёр ижросида бу сифатлар теран акс этган.

Театр актёри маҳорати кино бадииятини кучайтириши борасида сўз кетганда Раҳим Пирмуҳаммедов номини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада профессор М.Қодиров шундай ёзади: “Қасам” фильмида Раҳим Пирмуҳаммедов қишлоқ милиционерини кашф этади. Киношуносларнинг бир овоздан шаҳодат беришича, бу ролни Пирмуҳаммедовнинг ўзи топиб, тўқиб сценарийга киритган ва унга ўз исмини берган. Раҳим милиционер фильмда бир неча лаҳза кўринса-да, эсда қолади. Мана, у ялангоёқ қишлоқ кўчаларини чангитиб, бор овози билан халқ ҳокимиятининг ер-сув ҳақидаги ислохотини эълон қилмоқда. У мағрур, қувончи ичига сиғмайди. Аммо шу тобда бирдан муаззиннинг азони эшитилиб қолади. Раҳим одати бўйича чўкка тушиб намоз ўқишга тушмоқчи бўлади-ю, лекин дарҳол фикридан қайтади - ўрнидан туриб, яна қишлоқ бўйлаб жар сола бошлайди. Актёр ўзи ҳам муаллиф, ҳам актёр

сифатида ишлагани Раҳим милиционер роли билан табиати ва истеъдодига кўра комедия учун яратилганини қатъий равишда қайд этади"[5.83].

Театр санъатининг бунингдек ижодий тажрибаси, актёрнинг роль устида ишлаш маҳорати кино эстетикасини бойитишга, бадииятини оширишга хизмат қилиб, миллий киноактёрлик санъати мактабини шакллантирди. Бу фикримизни мазкур фильмдаги Лутфихоним Саримсоқова яратган Она роли ҳам тўла исбот қилади. Киношунос Ҳ.Ақбаров ёзади: “Мен 38 ёшимда қари кампир родини ўйнаганман, дея эслайди Лутфихоним Саримсоқова, “Қасам” фильмидаги она келини паранжини ташлаганини эшитиб, дод-фарёд кўтаради, айна пайтда у пичоғини яланғочлаб “иснод келтирган”, паранжисиз кўчага чиққан келинни чавақлаб ташламоқчи бўлган ўғлига таскин бермоқчи бўлади. Зоминдаги қишлоқлардан бирида хонадонга кирдим-у, сочимга упа сепиб оқартирдим, тишимга қора сақич ёпиштирдим, кўйлагимга ямоқ солдим, оёқ-қўлимга тупроқ суртиб ўтган асрнинг 20-йилларидаги қишлоқнинг манзарасига мос келадиган кампирнинг кўринишини яратгандек бўлдим. Кейин экранда ёйилиб ётган сочимнинг оқлари, ора-сира “сақланиб қолган” тишларим, жазирама иссиқ ва чангдан “ёрилиб” кетаётган оёқ ва қўлларим, жулдур кийимим эпизодга, умуман, фильмга мос келибди”[1.35].

Театр актёрининг образ яратишдаги яна бир муҳим хусусияти кузатиш, ўз қаҳрамони учун муносиб сифатларни излаб топишдир. Режиссёр З.Собитовнинг 1959 йилда суратга олинган “Фарзандлар” фильмида Лутфихоним Саримсоқова телба аёл образини гавдалантирган. “Чорсу билан Эски Жўва оралиғида бир аёлни кўрардим. Сочи таги билан олинган, узун кўйлак кийган ҳолда бошяланг юрарди. “Ая-я! Ая-я!” деб ўтган-кетганга нималарнидир айтмоқчи бўларди. Уни кўп кузатганман. “Фарзандлар” фильмида эса шундай ҳолатни тасвирлашим талаб этилди. Чор Россияси ҳукмронлик қилган йиллари сувсиз, нонсиз, бошпанасиз қолган ўзбек қишлоғи аҳолиси қаергадир кўчиб кета бошлайди. Биргина қари аёл - менинг қаҳрамоним пиёла кўтариб “сув беринг, сув бера қолинг” деб ҳувиллаб қолган қишлоқ кўчалари бўйлаб юради. Бу эпизодда бир шахснинг эмас, қашшоқ қишлоқнинг фожиаси тасвирланади. Кузатишларимни ўрганиш, ўзлаштиришга бўлган интилишимни кўрган, менга ишонган режиссёр Зоҳид Собитов эркинлик берди. Кино тасмасини аямади. Образнинг фильмда тутган ўрни ҳақида мулоҳаза қилди, холос. Ижод жараёнига эса суқилиб кирмади. .. Оператор кичкина аравачага камерани ўрнатиб гоҳ орқамдан, гоҳ ёнимдан суратга олаверган. “Сув беринг!” деб кулишим, гоҳ ёлворим ҳам тасмага айнан ёзилган. Усти камиш билан ёпилган бир хужрага кириб қолганимда йирик планда суратга олинган кадрлар кўпинча ўзимга ҳам маъқул бўлади. Сочларим ёйилган. Бўз рўмолнинг бир четигина елкамга илиниб қолган. Қўлимдаги катта бўм-бўш пиёлага термулиб аччиқ қисмат ҳақида ўйлаётган

муштипар аёлнинг рухий ҳолати акс этган"[1.36]. Актрисанинг мазкур фикрларидан англаш мумкинки, театр сахнасида маҳорати ошган, билим ва тажриба орттирган ижодкор кинода ана ўша салоҳиятига асосланади, суянади. Бу эса тўлақонли кинообраз яратилишига асос, кино бадииятини таъминлашга замин бўлади.

Назарий асосига кўра театрда кинога нисбатан сўз кўп ишлатилади. Диалог ва монологларда актёр ўзининг ҳиссиёти, кечинмалари, кўнгил дардларини ифода этади. Агар театрда монолог актёр истеъдодини кўрсатишга хизмат қиладиган имконият ва восита бўлса, кинода йирик план ана шундай қудратга эга. Кинорежиссёрлар маҳоратли актёрлар ижросида йирик пландан самарали фойдаланадилар. Одатда йирик планда актёрнинг ички монологи, руҳияти акс этади. Кинонинг сўзсиз эпизодларида актёр юзи-кўзи, мимикаси, ички ҳиссиётлари воситасида "гапиради", образ яратади. Баъзан бутун бошли фильмда бирорта сўзи бўлмаган персонаж ҳам фаол иштирок этиб, муайян ролни талқин этиши мумкин.

Театр сахнасида сўз - етакчи воситадир. Актёр образ яратишда сўзнинг куч-қудратига асосланади. Айниқса ўзбек театрида сахнадан янграйдиган сўз қудратига алоҳида эътибор қаратилган. Саҳна нутқининг улкан аҳамияти спектаклларда ўқ томир бўлганлиги миллий театр санъати анъаналаридан бири саналади. Шу боис театр актёри бадиий кинода намоён бўлар экан, сўз маҳорати, лутф маданияти, калом қудратига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбек театрининг маҳоратли актёрларидан Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Обид Жалилов, Марям Ёқубова, Раҳим Пирмуҳаммедов каби драматик актёрларнинг нутқ маданияти миллий кино тилини бойитишда катта ўрин тутди.

Кино ва театрда образ яратиш борасида сўз кетаркан, улуғ санъаткор Наби Раҳимовнинг фикрлари диққатга молик: "Кинода ўйнаш актёрни спортчидек шай бўлишга ўргатади. Кинонинг фазилати шундаки, қиёфангиздаги сезилар-сезилмас ўзгаришни илғаб олиб, йирик планда экранда намоён этади. Театр сахнасида ролни қайта-қайта ўйнайсан. Образ спектаклдан спектаклга қиёмига етаверади, борган сари янги-янги топилмалар билан бойиб, сайқал топади. Кинода эса бир ролни фақат бир маротаба ўйнайсан, кейинчалик тўлдириш ёки ўзгартиришнинг сира иложи бўлмайди. Хуллас, ҳозирги кунда кинодаги ижодимни театрсиз, сахнадаги ижодимни экран санъатисиз тасаввур ҳам этолмайман"[3.58]. Бундан кўринадики, театр ва кинодаги ижод ўзаро бири-бирига таъсир кўрсатиб, актёр маҳоратни чархлайдиган омилга айланади. Театршунос О.Ризаев Наби Раҳимовнинг санъаткорлик маҳорати ошиб боришида кинообразлар таъсири масаласини ҳам ўрганган. Бу ўринда айниқса "41- йил олмалари" (реж. Р.Ботиров, 1969 й.) фильмида яратган чойхоначи роли борасидаги фикрлар диққатга молик.

Маълумки, ушбу фильм ўзбек халқининг саҳоватли, бағрикенг, самимий кишилари сиймосини акс эттириб, уларнинг совуқ уруш кетаётган мураккаб пайтда бир эшелон олмани фронтга, жангчиларга олиб бориши воқеаларини кўрсатади. Уч кишининг қаҳратон қишда олис йўлни босиб ўтишдаги заҳматлари ўтмиш ва келажак, хотиралар ва орзу-умидлар билан боғлиқ шаклда акс этиб, воқеа жойи шунга монанд равишда тез-тез алмашилиб туради. “Фильмдаги чойхоначи образи устида олиб борилган ижодий меҳнат Наби Раҳимовнинг ижро услубига янги мазмун киритди, деб ёзади О.Ризаев. - Актёр ўз қаҳрамонининг таржимаи ҳолини, ўтмиши ва келажagini аниқ тасаввур этди ва янада тежамли, лўнда ва мантиқли ижод қилишга киришди. Унинг хатти-ҳаракатларини, ҳолат ўзгаришларини, нутқ оҳангини назорат қиладиган, йўлга соладиган тош-тарозу мустаҳкам қарор топди. Актёр сукут сақлашга ўрганди. У сукут сақлаганда, экран кўзгусида унинг истараси, грими, юзидаги ажинлари, доно кўзлари сўзлайди. Бу хусусиятни актёр кейинчалик театрда яратган энг яхши психологик образларида янада ривожлантириб, катта ютуқларни қўлга киритди”[3.60].

Кузатилганлардан маълум бўладики, кино бадииятини таъминлашда театрда эгалланган актёрлик маҳорати катта аҳамият касб этади. Маҳоратли актёр театрда орттирган тажрибани кинода ва ўз навбатида кинода ўзлаштирган билимни саҳнада қўллаш билан ижодий камолотга эришади. Булар эса ўз навбатида ўзбек театри ва кинематографида актёр омили ҳамиша муҳим бўлганлиги, бу борада бадиий анъаналар, ижодий мактаб шаклланганини кўрсатади. Театр актёри маҳоратидан ўринли фойдалана билиш эса режиссёр билими, қобилияти, ижодкорлик салоҳияти билан боғлиқ. Таасуфки, бугунги кунда кўплаб телевизион сериаллар, бадиий фильмларда ана шу салоҳият етарли деб бўлмайди. Мамлакатимиз театрларида фаолият олиб бораётган санъаткорлар билими ва ижодий тажрибасидан телевидение ва кинода ўринли фойдаланиш мазкур жабҳалардаги ижро маҳоратини ошириш, профессионаликни кучайтириш, бадиий савияни ўстиришга ёрдам бериши мумкин. Зеро, аввал таъкидланганидек, актёр бу - топилма. Ўз ижроси билан ҳар қандай кино ёки телевизион фильмни маҳоратли санъат асари даражасига олиб чиқишга қодир бўлган нодир топилмадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акбаров Ҳ. Дийдор кўришганга нима етсин. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 2021.
2. Кузнецов Д. Язык кино. Как понимать кино и получать удовольствие от просмотра - М.: Эксмо, 2019.
3. Ризаев О. Наби Раҳимов. - Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1997.

4. Тешабаев Ж. Герой крупным планом: актеры театра в узбекском кино. - Ташкент: изд. им. Г.Гуляма, 1972.

5. Қодиров М. Кулги усталари. Ўқув қўлланма. - Тошкент: Республика методик маркази, 2008.